

ТАБИАТ ВА ТАБИАТ ҲОДИСАЛАРИНИНГ ИНСОНИЯТ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИНИНГ АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ АСАРЛАРИДА ИФОДАЛАНИШИ

А. Норбоев

Низомий номидаги ТДПУ катта ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада буюк аллома Абу Райхон Берунийнинг табиат ва табиат ҳодисаларининг кишилиқ жамиятидаги ўрни тўғрисидаги илмий ғоялари ҳамда уларнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида фикрлар билдирилган.

Калим сўзлар: табиат, табиат ҳодисалари, дунёви илмлар, диний илмлар, минераллар, ер силкинишлари, қабила, халқлар, аجدодлар

КИРИШ

Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний нафақат ўз даврининг балки, ўтган барча асрларнинг йирик билимдони, у нафақат ўзбек халқининг, балки барча халқларнинг алломаси, у нафақат илмнинг бир соҳасини, балки барча соҳаларини ўрганган олим сифатида тарихга қолган.

У дунёвий илмларнигина эмас балки, диний билимларни ҳам чуқур билган, уларни бири-бири билан боғлиқлигини, диний илмлар қадрининг нақадар улуғ эканлигини кўрсатиб берган. Уларга таяниб, ўз илмини ривожлантирган.

Аллома асарлари илмий ғояларга бой. Чунки, унинг бу қарашлари тажрибалар, кундалинг кузатувлар, ўз давридаги манбаларга асосланади.

“Мен болалиқ чоғимданоқ – деб ёзган эди Беруний – ўз ёшим ва шароитимга қараб, имкони борича кўпроқ билим олишга интилдим. Бунинг далили сифатида қуйидагини келтириш kifоя: - биз турадиган жойга бир юнон кўчиб келган эди. Мен ҳар хил донлар, уруғлар, мевалар ва ҳақозаларни олиб бориб, унга кўрсатиб ва бу нарсалар унинг тилида қандай аталишини сўраб, номини ёзиб қўяр эдим”. Алломанинг ёшлиқ пайтидаги бу ҳаракатлари унинг “Сайдана” асарини юзага келишига асосий сабаб бўлган бўлса ажаб эмас. “Сайдана” (Табобатда доришунослик) асари унинг умрини охириги пайтларида ёзилган. Бошқача айтганда, бу китобни луғатли мамлакат

Ушбу асарда 4500 атрофида араб, турк, грек, форс, ҳинд, хоразм, сўғд ва бошқа тиллардан иборат терминларда ифодаланган ўсимлик, ҳайвон ҳамда минералларни, шунингдек уларнинг хусусиятларини келтириб ўтган. Аллома бу асарини ёзилишида ўзигача бўлган ёзма кўлёмалар, табиблар, ўсимликшунослар, тижоратчилар, сайёҳлар суҳбатлари ва бошқа шу каби



250 дан ортиқ манбадан фойдаланганини кўрсатиб ўтади.¹ Асарни ёзишдан мақсад ҳам турли тилларда сўзлашувчи халқларни, айниқса табибларни ўсимлик ёки минералларни бир хил тушунишларидан иборат эди.

Аллома таваллудининг 1000 йиллигига бағшилаб 1975 йилда тартибга солиб, чоп этилган “Сайдана” асарида 1118 та ўсимлик ҳамда минералларнинг номлари, турли тилларда ифодаланиши ҳамда хусусиятлари кўрсатиб ўтилган².

Аллома томонида н яратилган асарлар сони турли манбаларда турлича келтирилсада, аксарият манбаларда улар сони 160 дан ортиқ эканлиги кўрсатиб ўтилади. Абу Райҳон Берунийнинг энг йирик “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Масъуди қонуни”, “Ҳиндистон”, “Сайдана”, “Минералогия”, “Геодезия” каби қатор асарлари ўзининг моҳияти ва аҳамияти билан нафақат бизнинг, балки дунё аҳлининг ноёб дурдона асарлари ҳисобланади. Ушбу асарларда битилган кўплаб тарихий воқеликлар, берилган фикрлар, келтирилган хулосалар, илгари сурилган илмий назариялар ўз моҳияти билан бугунги ҳаётда ҳам нақадар қимматли эканлигини кўрсатмоқда.

Берунийнинг "Қимматбаҳо жавоҳирлар ҳақида билимлар китоби" ни Минералогия китоби ҳам деб номлашади. Чунки, унда қимматбаҳо минераллар, металллар хусусиятлари, солиштирма оғирликлари, уларнинг қаерларда учраши ҳақида ҳам ёзилган. Ушбу китобда алломанинг жуда кенг географик билимга эга эканлиги ҳам кўринади. Чунки, Африканинг шарқий ҳудудлари, Узоқ Шарқдаги жойлар ва уердаги металллар ҳамда уларни қандай усулда қазиб олишлари ҳақида ҳам сўз боради.

Асарда 29 та минераллар ҳақида тўхталиб ўтади ва уларнинг кимёвий ҳамда физикавий хусусиятларини очиб беради. Шунингдек, асарда ҳозирги кунда айтиладиган “Латун” метали ҳақида маълумот беради. Уни у “Жез” деб атайдиган³. Беруний ушбу китобда металлларнинг қийматларини чиқаради. Уларнинг хусусиятларини ўрганади ва ҳатто ўзидан олдинги манбаларда кўрсатилган маълумотлар билан солиштиради, кузатади, тажрибадан ўтказади ва ўзи ишонган маълумотларга асосланиб китоб битади.

У киши бу асарида 445 дан ортиқ ўз даврида ва ундан олдин ижод қилган олимлар номларини, шунингдек 323 та географик ўрин: кентлар, қишлоқ ва шаҳарларни келтириб ўтади. Бундан ташқари 84 та шоир, аллома ва бошқаларнинг ҳикоятларидан моҳирона фойдаланган⁴. Шунингдек, сув ҳақида тўхталиб, унинг ҳаётимиздаги аҳамиятини кўрсатиб беради

Алломанинг йирик ва илк асарларидан бири унганча бўлган аждодлар қолдириб кетган манбалар асосида ёзган – “Осорул боқия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”)дир. Унда юнонлар, римликлар, форслар, суғдийлар, хоразмийлар ва бошқа кўплаб қабил ва халқларнинг барча даврлари, байрам ҳамда тақвимлари, шунингдек Шарқнинг турли мамлакатлари маданияти ва адабиёти тарихи тўла баён этилган. Бу асарда Беруний ўзини фақат элшунос олим эмас, балки тилшунос, араб, юнон, форс, сурёний ва бошқа тил ҳамда адабиётларнинг билимдони сифатида намоён этди.

Беруний томонидан “сабабларнинг сабаби” — инсон ва инсоният жамиятининг юзага келиши масаласининг қўйилиши диққатга сазовор. “Қадимги тарихларнинг энг қадимгиси ва

¹ Беруний, Танланган асарлар, IV –том, Тошкент. ”Фан”.. 1975 й. –Б.10.

² Ўша жойда, -Б.11

³ [Берунийнинг "Қимматбаҳо жавоҳирлар ҳақида билимлар китоби\(Минералогия\)" асари.1-қисм - поиск Яндекс по видео \(yandex.ru\) /17346405926190545721](https://www.yandex.ru/video/17346405926190545721)

⁴ Ўша жойда.



энг машхури башариятнинг бошланишидир”. Берунийнинг бу фикрлари кишилик жамиятининг пайдо бўлиши ҳақида рационализм позициясида турганини кўрсатади. . Беруний халқларнинг маданияти, урфу-одатларини шаклланишида табиатнинг ўзига хос ўрни бор эканлиги кўрсатиб ўтилган. Қадимги халқларнинг бир жойда тўпланиб қолиши ва бу ерда узоқ яшаб ташқи оламдан ажралиб қолиши (бошқа халқлар билан алоқларнинг йўқлиги) нинг асосий сабаблардан бири улар яшаётган географик худудга ҳам боғлиқ эканлигини кўрсатиб ўтади. Бир жойда узоқ тўпланиб қолиш халқларнинг ривожланишига салбий таъсир этиши мўмкинлигини исботлаб беради.

Абу Райҳон Беруний ҳинд халқи тарихи, маданиятини ўрганиш учун қадимги ҳинд ёзуви – санскритни ўрганди. Улар ҳаётининг барча соҳаларини чуқур ўрганиб, ўзининг машхур асари “Ҳиндистон” ни ёзди. Асар ҳажми жиҳатдан катта бўлиб, унда ҳинд халқининг турмуш тарзини барча соҳалари: адабиёти, фалсафаси, аниқ фанлари, география, элшунослик, қонун ва урф-одатлар, дин, тарихий-диний ривоятлар, ҳинд ёзувининг турлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Асарда ҳинд халқининг ўзига хос урфу-одатлари ҳақида кенг тўхталиб, уларга баҳо берган, Ижобий ва салбий томонларини чуқур таҳлил қилган.

Бу асар тўғрисида ҳиндларнинг йирик давлат арбоби Жавоҳарлал Неру шундай деган эди: - “Беруний юнон фалсафасини ўрганиб, ҳинд фалсафасини мутолаа қилмоқ учун санскрит тилини ўргана бошлади. Беруний ҳинд ва юнон фалсафасини бир-бирига солиштириб, буларда мавжуд бўлган умумийликни кўриб ҳайратда қолди. Берунийнинг китоби фактик материални қамраб олиш билан бирга, у уруш, талон-тарож, оммавий қирғинлар бўлишига қарамай, фан аҳллари ўз ишларини давом эттирганликларини кўрсатиб беради. Икки орани нафрат ва худбинлик кайфиятлари бузиб турган пайтларда ҳам Беруний бегона одам бўлатуриб, бу ўлка кишилари аҳволини тушунтиришга ҳаракат қилади.

Шу ўринда алломанинг “Ҳиндистон” асари 43-бобида келтирилган ушбу жумлаларга бир эътибор берайлик. Унда, “Юнонларнинг ер ҳақида (турлича) эътиқодлари бор. Улардан бирини мисолга олса бўлади. Аниқки, ер усти ва остида кетма-кет бўлиб турадиган ҳар хил офатларнинг ҳолат ва миқдор жиҳати турлича бўлиб, кўпинча уларнинг сифати ва миқдори ёки бараварига иккови зўрайиб, кенг ерга тарқалади. Ундай вақтда (турли сақланишда) ҳийла ишлатиш ва қочишнинг фойдаси бўлмайди, ерга келадиган офатлар эса оммани ғарқ қиладиган тўфон ва ютиб ҳалок қилувчи ер кимирлаш, ердан отилиб чиқадиган қайноқ сувга ботиш, ўт тушиб кўйдириш, қиздирилган чўғу тош ва куллар отилиши, яшин тушиш, девор, томлар қулайдиган даражада қаттиқ овоз чиқиш, жуда кучли шамол кўтарилиши, вабо сингари кучли касалликларнинг пайдо бўлиши, инсонларга ва тўрт оёқли йирик жониворларга қирғин келиши каби ҳодисалардир. Агар кенг бир ер, ўз устида яшаб турган халқ бир офатга учраб ҳалок бўлса, у ер бўшаб қолади, лекин у ердаги офат кўтарилиши билан бундан илгари тоғ тепаси ва унгуларга, ваҳший ҳайвонларга ўхшаб қочиб таралган халқ қайтадан ўз жойига тўплана бошлайдилар, улар бир-бирларини қуллаб-қувватлаб, тинч эминлик ва хурсандликда то кўпайгунларича яхши яшайдилар. Кўпайганларидан кейин уларда бир-бирига қаршилик ва ғурурланиш пайдо бўлади. Ҳасад билан ғзаб икки қанот бўлиб ҳаракатга келиб, тоза ва чиройлик ҳаётларини хира кудуратли қилиб юборади. Кўпинча, у жамоатлардан бири пушт-насабда ажралади, у эса бошқалардан илгари ўша ерга келганлигидан ёки ўзга бирор нарса билан (жамоат) ўшанда бошқани танймайди.”⁵

⁵ Беруний. “Ҳиндистон”, II том, Тошкент. “Фан”, 1965 й. , -Б. 284



Асардаги ушбу жумлани тўлиқ келтиришдан мақсадимиз эса айни пайтда майёрамизни турли минтабаларида юз бераётган воқеликлар табиат ҳодисалари олдида ҳеч қандай амалга эга эмаслигини яна бир бор қайд этишдан иборат. Инсоният тарихида 2020 йилнинг бошларида бошланган “” пандемия ва уни бартараф этиш учун давлатлар ўртасидаги муносабатларда бироз илиқлик югурди. Ўзаро ёрдам ва ҳамкорликлар ташкил этилди. Унинг оқибатлари ҳар бир халқ ва ҳар бир давлатга оғир оқибатлар олиб келган бўлсада, у баратараф этилиши билан яна давлатлар ўртасидаги ўзаро зиддиятларнинг кучайганлиги, уларни ҳарбий ҳаракатлар кўринишини олаётгани алломанинг юқорида келтирган фикрлари қанчалик тўғри эканлигини кўрсатади.

Абу Райҳон Беруний ўз асарларида табиий офатларнинг турли сабабларини кўрсатар экан, унинг ер силкинишлари билан боғлиқ сабабларини аниқлашда ер ости сувлари ҳолатини ўзгариши ҳам бунга сабаб бўлиши мумкин, деб тушунтиради. Бугун дунё сейсмология соҳаси илмида айнан “Гидросейсмология” йўналишининг Тошкентда 1975 йилда ташкил этилиши ва уни халқаро миқёсда тан олинishi буюк бобоколониимиз Берунийнинг яна бир бор улуғ аллома эканлигини исботлайди..

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Беруний, Танланган асарлар, IV –том, Тошкент. ”Фан”.. 1975 й.
2. Беруний. “Ҳиндистон”, II том, Тошкент. “Фан”, 1965 й.
3. [Берунийнинг "Қимматбаҳо жавохирлар ҳақида билимлар китоби \(Минералогия\)" асари.1-қисм - поиск Яндекса по видео \(yandex.ru\) /17346405926190545721](#)

